**БАҲОДИР КАРИМ**

# “ЎТКАН КУНЛАР” ИБРАТИ

**Ўқув-услубий қўлланма**

БАҲОДИР КАРИМ

# “ЎТКАН КУНЛАР” ИБРАТИ

**Ўқув-услубий қўлланма**

TECHSMITH

Алмати, 2021

УДК
ББК
Б 22

*Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи ёзилганининг 100 йиллигига армуғон*

**Масъул муҳаррир:**
**Шаҳло Нарaлиева,** ЖКДПУ катта ўқитувчиси, филолог

**Баҳодир Карим**
**Б 22 ЎТКАН КУНЛАР" ИБРАТИ:** Ўқув-услубий қўлланма. Алмати: TechSmith, 2021. – 64 б.

**ISBN**

Абдулла Қодирий ва "Ўткан кунлар"... Бу эгизак номни эшитмаган ўқувчи бўлмаса керак!

Азиз китобхон!

Қодирийшунос Баҳодир Каримнинг ушбу рисоласида "Ўткан кунлар"нинг умуммазмуни, айрим қаҳрамонларнинг қисқа тавсифи ҳамда романнинг ўзига хос талқинлари билан танишасиз. Китобда келтирилган энг муҳим кўчирмалар, роман асрору жозибаси ва бетакрор гўзаллигини кўрсатадиган таҳлиллар изидан Сиз азизларда "Ўткан кунлар"ни ўқиш, илгари ўқиганларда эса қайта ўқиш истаги пайдо бўлишига ишонамиз.

**УДК**
**ББК**

**ISBN**

© Баҳодир Карим, 2021
© TechSmith, 2021

***Азиз ўқувчим!***

Сиз ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг кимлиги, қандай асарлари ёзгани тўғрисида кўп эшитгансиз. Хусусан, "Ўткан кунлар" романи дунёга машҳур асарлар сирасига киришини ҳам биласиз. Зеро, бундан бир аср муқаддам ёзилган ушбу роман ўзбек адабиёти тарихидаги энг гўзал ва умрбоқий асарлардан бири саналади.

Романнинг бошида адиб ўз ниятини қуйидагича баён этади: ***"Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдиқ, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилиқ, рўмончилиқ ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришға, халқимизни шу замоннинг "Тоҳир-Зуҳра"лари, "Чор дарвиш"лари, "Фарҳод-Ширин" ва "Баҳром гўр"лари билан таништиришка ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.***

***Ёзмоққа ниятлаганим ушбу – "Ўткан кунлар", янги замон рўмончилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси бир ҳавасдир. Маълумки, ҳар бир ишнинг ҳам янги – ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонға чиқиши, аҳлларининг етишмаклари ила секин-секин тузалиб, такомулга юз тутиши табиий бир ҳолдир. Мана шунинг далдасида ҳавасимда жасорат этдим, ҳаваскорлик орқасида кечатурган қусур ва хатолардан чўчиб турмадим.***